БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 211 (16.901) ● 9 сентябрь 1977 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин.

Соҳибкорлар ғалабаси

Жиззах области деҳқонлари ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритишди. Областда 26 минг 800 тонна сабзавот, 9 минг 700 тонна ҳўл мева топширилиб, бу борадаги йиллик план ошириб бажарилди. Давлатга сабзавот сотиш плани 107,2 процент, ҳўл мева сотиш плани 176,3 процентга етказилди. Эришилган бу ғалабага Жиззах, Мирзачўл районлари сабзавоткорлари, Зомин ва Бахмал районлари боғбонлари муносиб ҳисса қўшдилар.

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	1,78	13,01	0,17	0,40
Фарғона	2,00	11,24	0,34	0,75
Қашқадарё	1,41	8,20	0,40	0,94
Андижон	1,12	6,26	0,01	0,01
Сурхондарё	1,08	5,61	0,25	0,84
Наманган	1,00	5,23	0,01	0,01
Самарқанд	0,89	3,95	—	—
Хоразм	0,72	2,70	0,01	0,01
ҚҚАССР	0,47	2,53	—	—
Тошкент	0,30	1,32	—	—
Сирдарё	0,25	1,03	0,12	0,15
Жиззах	0,05	0,17	—	—
Республика бўйича:	1,01	5,68	0,11	0,25
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Наманган	1,27	7,49	—	—
Сурхондарё	1,03	6,13	—	—
Бухоро	1,26	6,11	—	—
Қашқадарё	0,72	3,88	—	—
Республика бўйича:	0,97	5,58	—	—

ЖАСОРАТГА ЧОРЛОВЧИ МАКТУБ

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг машҳур механизатор Турсуной Охуновага хати пахтакорлар, механизаторлар ва республикамизнинг барча меҳнаткашларини янги зафарларга илҳомлантиради.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ КОЛХОЗ ПАХТАЧИЛИК БРИГАДАСИНИНГ БОШЛИҒИ

Ўртоқ Турсуной ОХУНОВАга

Ҳурматли Турсуной!

Сизнинг мактубингизни зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Сиз бу мактубда бригада коллективи бу йил ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта олажагини ва шахсан ўзингиз мавсумда машина билан 460 тонна пахта теришга қарор берганлигингизни маълум қилгансиз. Бригаданинг давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари, 15 октябргача бажариши таҳсинга сазовордир.

Сиз машиналардан ғоят унумли фойдаланиш — пахта териш муддатларини қисқартиришнинг ҳал қилувчи шарти, деб тўғри қайд қилгансиз. Машина терими пахта далаларида актив қўлланилаётганлиги ва пахтакорларнинг оғир меҳнати тобора енгиллашиб бораётганлиги қувончли бир ҳолдир.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, барча совет кишилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда Ватанни янги муваффақиятлар билан шоду хуррам қилишга интилмоқдалар. Сизнинг ташаббусингизни барча колхоз ва совхозлар, барча бригадалар, ҳамма пахтакорларнинг қўллаб-қувватлашига аминман. Бу эса ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, пахтанинг аъло сифатли бўлишини таъминлаш имконини беради.

Сизга, бригада коллективига, барча пахтакорларга сиҳат-саломатлик ва социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида янги меҳнат зафарларини тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

1977 йил 7 сентябрь.

Суратда: Турсуной ОХУНОВА.

КОЛХОЗДА МИТИНГ

ЧИНОЗ (Тошкент области). 8 сентябрда Чиноз районидаги Киров номли колхозда бўлиб ўтган митингга мингдан зиёд қишлоқ меҳнатчилари — Тошкент областидаги кўпгина хўжаликларнинг вакиллари тўпландилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев мамлакатнинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охуновага мактуб йўллаганлиги тўғрисидаги кувончли хабарни эшитиб бу кишиларнинг ҳаммаси шу ерга келган эди.

Митинг қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайладилар.

Хотин-қизлардан биринчи бўлиб «зангори кемаянинг механик-ҳайдовчиси бўлган Охуновонинг номини мамлакатда жуда яхши билишади. Мўл ҳосил мириштори бўлган Т. Охунова республика пахтакорлари кўпгина ижодий ишларининг ташаббускоридир. Шу йил бахорида Турсуной ва унинг бригададаги ҳамкасблари 84 гектар майдонда пахта етиштиришга қарор берган эдилар. Улар илгари паст ҳосил олинган 20 гектар келадиган қўшни участкани ўз пахтазорларига қўшиб берилишини илтимос қилдилар. Зарбдор меҳнат, агротехникага аниқ риоя қилиш бригадага мўл ҳосил етиштириш имконини берди. Охунова бригадаси ҳар гектар ердан пландаги 34 центнер ўрнига 60 центнердан ҳосил кўтаришга, «оқ олтин»нинг ҳаммасини эса машиналарда териб олишга асосий аҳд қилди.

Турсуной Охунова Улуғ Октябрь 60 йиллиги йилдаги ўз режалари тўғрисида, Советлар мамлакати Конституциясининг лойиҳаси вужудга келтирган эзгу орзу-ниятлари ҳақида барча совет кишилари учун энг яқин ва азиз киши — Леонид Ильич Брежневга мактуб ёзиб юборди. Мана энди жавоб ҳам келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўртоқ Л. И. Брежневнинг Турсуной Охуновага йўллаган мактубини митинг қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида ўқиб эшитиради, сўнгра митингда ҳозир бўлганларга мурожаат этиб нутқ сўзлайди. Ш. Р. Рашидов қуйидагиларни таъкидлайди:

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ РЕСПУБЛИКАНИНГ ДОНГДОР ПАХТАКОРИ ТУРСУНОЙ ОХУНОВАГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги байрамига тайёргарлик кўраётган, СССР янги Конституциясининг лойиҳаси баланд руҳ билан муҳокама қилинаётган мана шу унутилмас кунларда барча совет кишилари Ватанимиз, Коммунистик партия учун, ленинчи Марказий Комитет ва Совет ҳукумати учун буюк фахрланиш туйғуси билан яшамоқдалар. Совет халқининг бахт-саодати йўлида ғамхўрлик қилиш — партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг энг муҳим ва олий мақсадидир.

Шаҳар ва қишлоқларнинг, халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнаткашлари ана шу ғамхўрликка жавобан ўз фидокорона меҳнатлари билан Ватан бойликларини кўпайтиришга интилмоқдалар, коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш иштиёқи билан яшамоқдалар.

Республиканинг донгдор пахтакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, Чиноз районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Турсуной Охунова КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга ана шундай ҳис-туйғуларга тўла мактуб билан мурожаат қилди. У ўз мактубида пахтакорларнинг кувончлари ва ташвишларини, ўз ишлари ва режаларини баҳам кўрди.

Турсуной Охунова бошлиқ бригада бу йил 60 центнерлик ҳосил учун курашмоқда, пахтанинг 95 процентини машиналар билан териб олишга, давлатга пахта сотиш юзасидан ўз социалистик мажбуриятини 15 октябргача бажаришга қарор қилди. Турсуноойнинг ўзи мавсумда 460 тонна пахтани машинада териш мажбуриятини олди.

Бригада Леонид Ильичнинг жавоб мактубини олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртоқ Л.И. Брежневнинг Турсуной Охуновага йўллаган мактуби республика партия ташкилоти учун жуда катта шараф, шу билан бирга партия ва мамлакат олдидаги катта масъулият ҳамдир, деб ҳисоблайди.

Мактубда ғоят муҳим халқ хўжалик аҳамиятига молик вазифалар ўртага қўйилган. Бу мактуб — жуда катта сафарбар этувчи кучга эга бўлган ҳужжатдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шонли пахтакорларимизнинг қаҳрамонона меҳнатига берган юксак баҳо бизларни ғоят қувонтиради. Бу баҳо республика қишлоқ хўжалиги барча ходимларининг, шубҳасиз, кучига куч қўшади, уларга қизғин рух бағишлайди, янада яхшироқ ишлаш, ҳар бир пахта териш машинасидан, одам ва материал ресурслардан юқори унум билан фойдаланишга эришиш истагини туғдиради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мактубида баён этилган маслаҳатлар ва тавсиялар программавий характерга эга бўлиб, барча пахтакорлар учун ғоят катта аҳамият касб этади. Леонид Ильич пахта териш техникасидан кенг фойдаланиш ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, пахтанинг аъло сифатли бўлишини таъминлаш имконини беради, деб уқтиради.

Бу кўрсатма йиғим-терими жадаллаштириш учун, машина терими даражасини ҳар томонлама ошириш учун, Ватанга камида беш миллион 360 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдан иборат юбилей йили мажбуриятини бажариш учун курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ўртоқ Л. И. Брежневнинг республиканинг донгдор пахтакори Турсуной Охуновага йўллаган хатидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳамда ушбу қарорни барча колхоз ва совхозларда, бригадаларда, пахта тозалаш саноати корхоналарининг коллективларида кенг муҳокама қилиб, шу асосда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тез йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш учун, маҳсулот сифатини ошириш учун механизаторларнинг, қишлоқ хўжалиги ва пахта тозалаш саноати барча меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини янада кенг авж олдириш вазифасини юклади.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига ўртоқ Л. И. Брежнев мактубининг жуда катта аҳамиятидан фойдаланиб, кишлоқда ташкилий ишларни кескин равишда кучайтириш таклиф этилди. Шу билан бирга ҳозир энг муҳим, энг асосий иш— ғўза дефолиациясини тез, яқин 3-5 кун ичида тамомлаб, бирорта ҳам самолёт, бирорта ҳам машина бекор туриб қолмаслигига эришишга алоҳида эътибор берилиши керак. Улар ҳамма жойда самарали, тўла қувват билан ишлатилиши зарур.

Дефолиацияни ўз вақтида тугаллаш, пахта териш техникасидан сочунум фойдаланиш, етиштирилган ҳосилни ёғинсочин бошлангунга қадар йиғиштириб олишга имкон беришини кенг тушунтириш муҳимдир. Механизаторлар бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Улар ўтган йилларнинг тажрибаларидан кенг қўламда фойдаланишлари, Ипатово райони ғалалакорларининг тажрибасини қўлланишлари, ҳамма ерда агрегатлар икки сменада ишлашини ташкил этишлари, пахта териш ва топширишда белгиланган графикка қатъий риоя қилишлари керак.

Қишлоқ партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Улар ўртоқ Л. И. Брежнев мактубининг мазмунини ҳар бир меҳнаткаш қалбигача етказишлари, пахта терими умумхалқ иши эканлигига асосланишлари лозим. Меҳнатга қобилиятли ҳар бир киши деҳқонларга мумкин қадар кўпроқ ёрдам кўрсатмоғи, ҳосил теримида шахсан актив қатнашмоғи керак.

Пахта далаларида яхши меҳнат қилиш, серунум иш намуналарини кўрсатиш ҳар бир коммунист ва комсомолнинг шон-шараф иши бўлибгина қолмай, улар йиғим-терим илғорлари тажрибасини кенг қўламда ёйишлари, ҳар бир меҳнаткаш ҳосил тақдири учун, республика пахтакорлари юбилей йилида зиммаларига олган юксак ва тиғиз мажбуриятлар бажарилиши учун ўз масъулиятини тўлароқ англашга эришмоқликлари лозим.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигига пахтани бетўхтов қабул қилиб олишни йўлга қўйиш, тайёрлов пунктларига пахта келтирувчи транспорт бекор туриб қолишига йўл қўймаслик, пахта намунали сақланишини ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган тола сифатини ошириш борасида зарур ҳамма чораларни кўриш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда пахтачиликни комплекс равишда механизациялашни поёнига етказиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш, пахта териш ишларини механизациялаш даражасини анча юксалтириш ва пахта сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш таклиф этилди. Ушбу масалалар юзасидан таклифлар уч ой муддат ичида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматига тақдим этилсин.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига пахта теримини тезлаштириш учун, республика деҳқонлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун социалистик мусобақа боришини матбуотда, радио ва телевидение программаларида кенг қўламда ёритиш топширилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Бутун совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидокорона кураш олиб бораётган ва Сизнинг шахсан иштирокингиз ва раҳбарлигингиз остида ишлаб чиқилган СССР Конституцияси лойиҳасини қизғин муҳокама этиб, чин кўнгилдан маъқуллаётган шонли кунларда Сизга шу мактубни ёзяпман.

Биз лойиҳанинг сатрларини, Сизнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладингизнинг сатрларини синчиклаб ўқир эканмиз, Ватанимиз учун, қаҳрамон Коммунистлар партияси учун, ленинчи Марказий Комитет ва Совет ҳукумати учун буюк ифтихор ҳис-туйғуларига тўлиб-тошамиз. Улар учун совет халқининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ ва юксакроқ ҳеч нарса йўқ. Бу эса бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади ва социалистик Ватанимизни янада яшнатиш йўлида янги муваффақиятларни қўлга киритишга илҳомлантиради.

Азиз Леонид Ильич!

Мен — оддий механизатор-пахтакорман. Пахтакорларнинг қувончи ва юмушларини, ўз ишларимиз ва планларимизни Сизга маълум қилмоқ учун Сиз — содиқ ленинчига шу мактубни ёзяпман.

Азиз отамиз, Сизга серқуёш Узбекистон диёрида кўп марта бўлишга тўғри келди. Сизнинг «Оқ олтинни олтин қўллар яратди деган илҳомбахш сўзларингиз миллионларча дала меҳнаткашлари қалбидан жой олди. Бу эса пахтакор ишининг мураккаблигини ҳам, мамлакат учун муҳимлигини ҳам, кишиларимизнинг чинакам маҳоратини ҳам юксак даражада эътироф этишдир.

Бундай баҳо бизни бениҳоя хурсанд қилди. Очиқ айтманки, партиянинг доимий ғамхўрлиги — биз учун бахт-саодатдир. Кишининг кайфияти яхши бўлган чоғда ишлар юришиб кетади, тобора юксак поғонага кўтарилади, чарчаш нималигини сезмайсан киши.

Шуни айтмоқчиманки, кейинги йилларда об-ҳаво шароити ноқулай келди. Бу йилги мавсум ҳам анча мураккаб бўлди. Деҳқонларга қийин, жуда оғир шароитда ишлашга тўғри келди. Қурғоқчилик, жазирама иссиқлик ва жуда қаттиқ сув танқислиги пахта далаларини хавф остида қолдирди. Аммо офат ва машаққатлар ҳар қанча оғир бўлганида ҳам куз фаслини яна пахтазорларда мўл ҳосил билан кутиб олмоқдамиз.

Партия ва ҳукумат пахтачиликни улкан ирригация ва мелиорация шоҳобчалари билан, энг яхши техника билан, унумдорлик ва ҳосилни муҳофаза этиш воситалари билан таъминлагаликлари учун биз ғалаба қозондик. Партия бизни қийинчиликлар олдида чекинмаслик, табиий офатга қарши дадил кураш олиб бориш руҳида тарбиялаганлиги учун ҳам биз мағлубият нималигини билмаймиз. Биз ҳар томчи сувдан авайлаб фойдаланиш учун, ғўзанинг ҳар бир тупи учун, ҳар бир бўлиқ кўсак учун кундузи ҳам, кечаси ҳам кураш олиб бордик. Миллионларча кишилар актив қатнашган бу кураш муваффақият билан тугалланди.

Менинг бригадам ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта ҳосили етиштиришга ваъда берган эди. Биз шундай ҳосилга эришдик! Менинг жонажон Киров номли колхозим юбилей йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтариб, Ватанга 2860 тонна пахта беришга ваъда қилган эди. Шунча миқдорда ҳосил тўпланишига эришилди! Бизнинг Чиноз районимиз бу йил ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олиб, давлатга жами 35 минг тонна, Тошкент области эса гектар бошига 33 центнердан ҳосил кўтариб, 430 минг тонна пахта сотишга ваъда берган эди. Пахтакорлар шундай миқдорда ҳосил тўпланди, деб якдиллик билан айтмоқдалар. Бутун республикада ҳам юбилей йилида олинган мажбуриятлар бажарилажагига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Ватан Узбекистоннинг камида 5.360 минг тонна пахтасини олади.

Ҳосил йиғим-терими каби қувончли пайт келди. Бутун пахтани охирги кўсагигача тез, ўюшқоқлик билан ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш — бизнинг асосий вазифамиздир. Биз теримга тайёргарлик даврида Сизнинг Ставрополь ўлкаси Ипатово район партия комитетига йўллаган мактубингизда берган маслаҳатларингиздан кенг фойдаландик.

Терим — транспорт отряд ва звенолари тузилди, ҳосилни йиғиб-териб олишнинг аниқ графиклари ишлаб чиқилди, қишлоқдаги ҳар бир коллектив ўз зиммасига конкрет социалистик мажбурият олди. Бу мажбурият терим техникасидан ғоят унумли фойдаланиш ва терим кампаниясини 25-30 иш кунида тамомлаш йўлида зўр ғайрат билан ишлашга асос бўлди. Ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан териб олар эканмиз, бу вазифа реал вазифа эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Колхозимизнинг пахтакорлари ҳосилнинг камида 80 процентини машина билан териб олиш, бригадамизнинг коллективи эса етиштирилган пахтанинг 95 процентини «зангори кемаялар бункерларидан тўкиш ниятидадир. Бу эса бизга пахта тайёрлаш давлат планини 1 октябргача, социалистик мажбуриятларни 15 октябргача бажариш имконини беради.

Мен ҳам юбилей йилида юксак мажбурият олиб, мавсумда ўз машинам билан 460 тонна пахта теришга аҳд қилдим. Бу — қўл билан пахта терилганда 230 теримчининг икки ойлик нормасидир.

Азиз Леонид Ильич!

23 йилдирки, мен пахта териш машинасида ишлаб келмоқдаман. Ҳар йили қилинган меҳнат асло унутилмасдир. Узбекистоннинг ва бошқа пахтакор республикаларнинг мингминглаб хотин-қизлари мендан ўрнак олиб, «зангори кемаяларни далаларга олиб чиққанлиги ҳануз эсимда. Уз меҳнатингнинг самараларини кўриш, етилиб турган пахта кўсагининг ҳароратини сезиш, ана шу қичкина кўсаклардан ҳосил бўлган пахта хирмонларини кўздан кечириш ва буларнинг ҳаммаси халкка хизмат қилажагини, совет кишиларимиз аъло сифатли моллар билан мўл-кўл таъминланажагини билиш жуда катта бахт бағишлайди.

Пахтакорнинг меҳнати самарали, қувончли меҳнат бўлиб колди. Мен беш боланинг онасиман. Катта қизим студент. Қолганлари мактабда ўқимоқдалар. Менинг катта болаларим терим мавсумида ишимга ёрдам бермоқдалар — техникани бошқаришни ўрганмоқдалар.

Бизнинг диёримизда, бизнинг уйимизда ёруғ, бахтли ҳаёт порлади. Узбекистоннинг барча қишлоқларида янги уй, мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар барпо этилмоқда. Биз ҳар жиҳатдан яхши таъминланганмиз. Буларнинг ҳаммаси учун партиямиз ва ҳукуматимизга, ленинчи Марказий Комитетга ва азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга катта раҳмат деймиз.

Азиз отахонимиз! Диёримиз меҳнаткашларининг бахтига, бизнинг бахтимизга узоқ-узоқ йиллар умр кўрингиз. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-иқбол ва партиямиз ҳамда ватанимизга бош бўлиб ҳормайтолмай қилаётган ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Турсуной ОХУНОВА,
Тошкент область, Чиноз районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Болгариянинг миллий байрами — социалистик революциянинг 33 йиллиги муносабати билан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живковга, БХР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Станко Тодоровга табрик телеграммаси йўлладилар.

Унда бундай дейилади:

1944 йилнинг унутилмас 9 сентябрь кунидан буён ўтгиз уч йил ўтди. Уша пайтда Болгария меҳнаткашларининг ўз ватанини миллий ва социал жиҳатдан озод қилиш учун олиб борган қаҳрамонона кураши тарихий ғалаба билан тугалланди. Болгар халқининг танилган авангарди бўлмиш Болгария Коммунистик партиясининг раҳбарлигида туб социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширган Болгария эндиликда ривожланган социалистик жамиятни муваффақиятли суратда барпо этмоқда.

Коммунистлар, барча совет кишилари болгар халқининг социалистик қурилишда қўлга киритган жуда катта муваффақиятларидан астойдил хурсанд-дирлар. Улар КПСС билан БКП ўртасидаги, совет ва болгар халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик, ишонч ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ғоят қадрлайдилар. Бу муносабатларнинг характери БХР партия-ҳукумат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити, олий даражада ўтказилган музокаралар, учрашув ва суҳбатлар вақтида зўр куч билан намоён бўлди.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасидаги муносабатлар янги мазмун билан бойиди. Ҳар томонлама Совет — Болгария ҳамкорлиги ва яқинлашувининг муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги мамлакатларимиз олдида турган миллий ва интернационал вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради, мамлакатларимиз халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади ва жаҳон социализмини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Коммунистлар, бутун совет халқи КПСС XXV съездининг қарорларига амал қилган ҳолда КПСС билан БКПнинг, СССР билан БХРнинг маҳкам иттифоқи, қардошлиги ва ҳамкорлигини бундан буён бутун чоралар билан мустаҳкамлайверадилар.

Болгария Халқ Республикаси марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида қардош мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга актив ёрдам бермоқда, Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграцияси комплекс программасини бажаришда, Варшава Шартномаси ташкилоти фаолиятида самарали қатнашмоқда.

Кескинликнинг юмшатилишини ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун, тинчликни мустаҳкамлаш ва янги жаҳон уруши хавфининг олдини олиш учун, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва социал тараққиёт учун изчил курашиб келаётган социалистик Болгариянинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда сизлар билан биргаликда Болгариянинг шонли миллий байрами— Озодлик кунини тантанали нишонлаб, азиз дўстлар, сизларнинг, бутун қардош болгар халқининг социалистик қурилишда янгидан-янги ютуқларга, БКП XI съездининг қарорларини бажаришда бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувингизни астойдил тилаймиз.

* * *

Л. Брежнев ва А. Косигин ўртоқлар қардош Корея меҳнаткашларининг миллий байрами — Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга, КХДР Маъмурий Кенгашининг Бош министри ўртоқ Пак Сен Черга табрик телеграммаси йўлладилар.

Унда бундай дейилади:

1948 йил 9 сентябрь куни Корея тарихида биринчи марта суверен демократик давлат барпо этилди. Бу давлатда бутун ҳокимиятни меҳнаткашлар оммаси ўз қўлига олди. Социалистик ривожланиш йўлига қатъий ўтиб олган республиканинг ташкил топиши жаҳон революцион ва миллий озодлик жараёнининг таркибий қисми бўлди. Бу жараённи бундан 60 йил муқаддам Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берди.

Корейс халқи Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида мустамлакачилик қолоқлигини тарихан қиска муддат ичида бартараф этди ҳамда ўз мамлакатини замонавий саноат ва қишлоқ хўжалигига эга бўлган, миллий маданияти ва фани барқ уриб яшнаган ривожланган социалистик давлатга айлантирди, янги ҳаёт қуришда илҳомбахш муваффақиятларга эришди. Ажнабий қўшинларни Жанубий Кореядан чиқариб юборишу учун, Ватанни мустакил равишда тинч бирлаштириш учун курашаётган корейс халқининг ҳаққоний ишини Совет Иттифоқи, жаҳондаги барча прогрессив кучлар тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

СССР билан КХДР ўртасида социализм ва коммунизм қурилишида туб манфаатларнинг муштараклигига асосланган ва дўстлик, ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома билан мустаҳкамланган синфий қардошликнинг бузилмас алоқалари мавжуддир. Биз аминмизки, давлатларимиз ва партияларимиз ўртасидаги мавжуд ҳар тарафлама дўстона алоқалар Совет Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси халкларининг, бутун жаҳон социалистик системасининг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади.

(ТАСС).

КОЛХОЗДА МИТИНГ

[Боши биринчи бетда].

ўртоқ Л. И. Брежневнинг мактубида халқ хўжалиги ва сиёсий жиҳатдан ғоят муҳим вазифалар ўртага қўйилган. Бу ҳужжат сафарбар этувчи зўр кучга эгадир. Пахтакорлар меҳнатига, «оқ олтин» ижодкорларининг қаҳрамонона меҳнатига Леонид Ильич берган юксак баҳо совет пахтачилигини ривожлантиришда, республика деҳқонларининг Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига қабул қилган юксак мажбурияти — Ватанга 5.360 минг тонна Ўзбекистон пахтасини етказиб бериш мажбуриятини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга чорлайди. Барча дала меҳнаткашларининг ва аввало, шоли механизаторларимизнинг илҳомбахш меҳнати, уларнинг йиғим-теримни қисқа муддат ичида, нобудгарчиликка йўл қўймай ўтказиш йўлидаги фидокорона кураши мана шу мактубга энг яхши жавоб бўлади.

Турсуной Охунова минбарга чиқади. Леонид Ильичнинг мактуби, — деди у, — пахтакорлар тўғрисида қилинаётган ғамхўрликни кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир. Леонид Ильич механизаторнинг бурчи тўғрисидаги ўй-фикрларимни маъқуллаганлигидан бахтиёрман. Бир неча кун ўтгандан кейин мен 80 от кучига эга бўлган тракторга ўрнатилган янги пахта териш машинасининг штурвалини бошқараман. Деҳқонларни мана шундай қудратли, юксак унумли техника билан қуроллантирган ишчилар синфимизга катта раҳмат. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш ва интеграциялаш йўлини ўтказаётган жонажон Коммунистик партиямга катта раҳмат. Эндиликда пахтакорларнинг меҳнати индустриал меҳнат билан яқинлашиб қолди. Бизнинг механизаторларимиз терим-транспорт отрядларининг ўзагини ташкил этган мукаммал агрегатлардан фойдаланиб, ўзларининг бой тажрибасига таяниб, Леонид Ильич Брежневнинг Ставрополь ўлкасидаги Ипатово район партия комитетига йўллаган мактубида берган доно маслаҳатлари ва тавсияларини амалга ошира бориб, ҳосилни тез ва сифатли нобуд қилмай йиғиб териб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Республикадаги кўпгина механик-ҳайдовчилар сингари мен ҳам ўзим учун янги марра белгилаб олдим — мавсум давомида «Ўзбекистон» машинаси бункеридан 460 тонна пахта тўкишга қарор қилдим. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мактубидаги социалистик Ватанимизни янада равнақ топтириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлик билан тўлиб-тошган самимий сўзлари меҳнатда янгидан-янги зафарларга чорламоқда.

Митингда Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механизатори В. Бибиров, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. Алиев, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Ш. Раимова, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов сўзга чиқдилар. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат донгдор механизатори Турсуной Охуновага йўллаган мактуби юбилей йили «оқ олтин» йиғим терими кунларида барча пахтакорлар учун самарали иш программаси бўлиб хизмат қилади, деб айтишди. Машина-механизмлардан юксак унум билан фойдаланиш — ҳосилни йиғиб-териб олиш муддатларини қисқартиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бу эса Ўзбекистон механизаторларининг шиоридир. Сўзга чиққан нотиқлар Турсуной Охунованинг ватанпарварлик ташаббуси барча хўжаликларда, бригадаларда ва ҳамма пахтакорлар томонидан қўллаб-қувватланади, деб ишонтирдилар.

Митинг иштирокчилари ўртоқ Л. И. Брежневга табриконма йўлладилар. Улар Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўтказадилар, деб ишонтирдилар. Область механизаторлари ипатоволик деҳқонларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиб, ҳосилнинг камида 80 процентини машиналар билан теріб оладилар ва социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарадилар — Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» етказиб берадилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

АТОҚЛИ ЛЕНИНЧИ РЕВОЛЮЦИОНЕР ШАРАФИГА

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, В. И. Ленининг сафдоши, оғаси революционер, чинакам ватанпарвар ва интернационалист Феликс Эдмундович Дзержинский туғилган куннинг 100 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланмоқда. Республика пойтахти меҳнаткашлари вакилларининг 8 сентябрь куни Тошкентдаги А. Навоий номли театрда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу тарихий санага бағишланди. Йиғилишда партия ветеранлари, энг кекса чекистлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев очди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Э. Б. Нордман атоқли ленинчи революционернинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида доклад қилди.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р., Рашидов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. А. Кириллин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

КРЕМЛДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин «Осиёда тинчлик бўлсин» мавзуида ўтказилган IV совет—япон симпозиумида қатнашган Японияниг халқаро масалалар билан шуғулланувчи таниқли олимларидан бир группасини 7 сентябрь куни Кремлда қабул қилди.

Японияниг халқаро масалалар билан шуғулланувчи олимлари суҳбат давомида Совет Иттифоқи ва Япония олимларининг ҳар йили ўтказиладиган симпозиумига юксак баҳо бердилар ва Осиёда ҳамжиҳатликни кучайтириш, мустаҳкам тинчликка ва халқлар хавфсизлигига эришиш йўлларини биргаликда излаб топиш учун унинг фойдали эканлигини уқтириб ўтдилар. А. Н. Косигин халқаро кескинликни юмшатишни янада кучайтириш масаласида Совет ҳукуматининг тутган позициясини баён қилиб берди, кескинликни юмшатишни Осиё қитъасига ёйиш зарур эканлигини таъкидлади ҳамда симпозиумда иштирок этган Япония олимларини қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб берди. (ТАСС).

ДЗЕРЖИНСКИЙ НОМЛИ

В. И. Ленининг содиқ сафдоши, революция рицари Феликс Дзержинский туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига Когонда очилган янги 177-ҳунар-техника билим юрти унинг номи билан аталди. Билим юрти темирйўл Бухоро бўлими учун кадрлар тайёрлаб чиқаради.

Билим юртига Дзержинский номи берилишига бағишланган митингда революцион жангларнинг иштирокчилари, Зарафшон водийсида Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашганлар, темир йўл транспортининг ветеранлари, Когон ва Бухоро партия, совет, комсомол ташкилотларининг вакиллари нутқ сўзладилар. (ЎзТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДАЛАР

Республика меҳнаткашлари СССР янги Конституциясининг лойиҳасини зўр активлик билан муҳокама қилишни давом эттирмоқдалар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари партия ва совет органларига, газета редакцияларига, радио ва телевидениега йўллаган мактубларида, йиғилишларда сўзлаган нутқларида ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумида қилган докладидаги қоидалар ва хулосаларни, Совет давлати Асосий Қонунининг моддаларини қизғин маъқуллаганлар. Улар Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимиз халқлари қўлга киритган жуда катта муваффақиятлар ана шу ғоят муҳим ҳужжатда ўз ифодасини топганлигини фахрланиб таъкидламоқдалар.

СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қатнашчилари социалистик демократияни янада ривожлантириш, КПСС XXV съезди белгилаб берган тарихий режаларни рўёбга чиқариш тўғрисидаги ғамхўрлик тақозо этган қўшимча ва ўзгартишларни лойиҳага киритмоқдалар.

Пайариқ район Бирлашган қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси У. Жамолов лойиҳанинг тўртинчи моддасида давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар СССР Конституциясига ва совет қонунларига риоя қилишга мажбургина бўлиб қолмай, **шу билан бирга улар граждан-ларни қонунларни ҳурматлаш руҳида тарбиялаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишлари лозим** эканлигини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

Нукус автомобиль паркининг шофёри У. Наврўзбоев 13-модданинг ижтимоий фойдали меҳнат ва унинг натижалари кишининг жамиятдаги мавқеини белгилайди. Давлат ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш билан меҳнатни ҳар бир совет кишисининг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантиришта ёрдам беради, деган қоидасининг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга у модданинг ана шу қисмида **давлат кадрларнинг муқим ишлаб қолишидан манфаатдор бўлиб, бунга ҳар томонлама кўмаклашади, жамият аъзоларининг бир корхонада ишлашга интилишини рағбатлантиради,** деб қайд қилиб ўтишни таклиф қилади.

Жарқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Хуррамованинг фикрича, 13-моддани бошланиш қисмида шунчаки совет кишиларининг эркин меҳнатигина эмас, балки уларнинг **эркин ижтимоий фойдали меҳнати** ижтимоий бойликни кўпайтириш, халқнинг ва ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ошириш манбаидир, деб айтиш лозим. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси К. Эгамбердиев ҳам ана шу моддага қўшимча киритишни таклиф қилади. **У меҳнат совет кишисини тарбиялаш воситасидир,** деб алоҳида таъкидлашни таклиф этади. Хоразм область маиший хизмат комбинатининг тикувчиси М. Матёқубова 13-моддага ўз қўшимчасини киритади. **У давлатимиз меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни қўллаб-қувватлайди,** деб ёзиб қўйишни таклиф қилади.

СССР Конституцияси лойиҳасининг 16-моддасида меҳнаткашларнинг коллективлари, жамоат ташкилотлари корхоналарни ва бирлашмаларни бошқаришда, меҳнат ва турмушни ташкил этиш масалаларини, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, шунингдек, социал-маданий эҳтиёжларга ва моддий рағбатлантиришга мўлжалланган маблағлардан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда қатнашадилар, дейилган. Денов колхозлараро қурилиш бошқармасининг ишчиси Г. Декабоева **ишлаб чиқариш коллективи ҳар бир ходимнинг иш натижалари учунгина эмас, шу билан бирга уни тарбиялаш учун ҳам жавобгардир,** деб ёзиб қўйишни таклиф қилади.

Когон районидаги Калинин номли колхоз механизатори С. Қўлдошев СССРда қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш программаси изчиллик билан амалга оширилаверади, дейилган 22-модданинг қоидасини қўллаб-қувватлайди. Унинг фикрича, бу моддани **Фан-техника тараққиёти, деҳқончиликка комплекс механизацияни жорий этиш негизида** деган сўзлар билан бошлаш лозим.

М. Г. Теплицкая Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 8-уй-жойлардан фойдаланиш конторасида бўлган йиғилишда сўзга чиқиб, лойиҳада ёзилган СССР гражданларининг уй-жой олиш ҳуқуқи совет ижтимоий тузумининг жуда катта ғалабаси эканлигини таъкидлаб ўтди. У ана шу ҳуқуқни уқтириб, **гражданларнинг уй-жой фондини асраш ва техникавий жиҳатдан бутун ҳолда сақлаш учун масъулиятни ошириш** зарурлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак, деди. Шу райондаги 32-уй-жойлардан фойдаланиш конторасининг ходими В. В. Бринцев иш манфаатларини кўзлаб, идораларга қарашли **уй-жой фондини маҳаллий Советлар ихтиёрига топшириб қўйишни** мақбул деб ҳисоблайди.

Косонсой районидаги «Кукумбой» совхозининг бош зоотехниги А. Шарипов шу совхоз ишчи ва хизматчиларининг йиғилишида СССР гражданларининг асосий вазифалари санаб ўтилган 59-моддага **Совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари муқаддас билиб сақлансин ва ривожлантирилсин,** деган сўзларни қўшиб қўйишни таклиф қилди.

(ЎзТАГ).

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг электр пўлат эритиш комплекси қурилишидаги мусобақа пешқадами — Меҳнат Қизил Байроқ орденли ихтисослаштирилган 93-трестга қарашли «Промтехмонтаж» Чирчиқ бошқармаси коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи топширилганлигини илгари хабар қилган эдик.

Суратда: бошқарманинг М. Овсянников бошлиқ илғор монтажчи слесарлар бригадаси. Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

КУН ТАРТИБИДА ҒОЯВИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар ва район партия комитетларининг идеология иши билан шуғулланувчи секретарлари кенгашини ўтказди. Кенгашда республика партия ташкилотларининг КПСС Орск шаҳар комитетининг ғоявий-тарбиявий иш масалаларини комплекс ҳал этиши тўғрисида КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарордан келиб чиқадиган вазифалари кўриб чиқилди.

Кенгашда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, КПСС совет кишиларида илмий дунёқарашни, актив ҳаётий позицияни, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев идеологик фаолиятни такомиллаштириш вазифалари тўғрисида гапириб, партия XXV съездида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Партия ташкилотларининг тажрибаси бизга қандай йўлдан бориш кераклигини кўрсатиб бермоқда. Шу йўлдан борсак, идеология ишининг самарадорлигини оширишга эриша оламиз. Бу йўл — бутун тарбия ишини комплекс тарзда олиб бориш, яъни меҳнаткашлар турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб бориш йўлидир». КПСС Марказий Комитети Орск шаҳар партия комитети хусусида қарор қабул қилганлиги партиямизнинг идеология масалаларига доимий эътибор бераётганлигининг яна бир ифодасидир. Шу ҳужжатдаги хулоса ва тавсиялар, унда ўртага қўйилган вазифалар, деб уқтириб ўтилди кенгашда, мамлакатдаги, шу жумладан Ўзбекистондаги барча партия ташкилотлари учун принципиал аҳамиятга эгадир. Бу қарор ҳар бир партия комитети, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти учун аниқ пухта ишлаш программасидир.

Кенгашда қуйидагилар кўрсатиб ўтилди: КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарорини республиканинг барча область, шаҳар ва район партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида, идеология министрликлари ва идораларнинг коллегияларида муҳокама қилиб, уни бажариш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш керак. Аҳоли барча группаларининг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияси узвий бирлигига риоя этилиши зарурлигига, меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик, Совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни таъминлашга, уларни аниқ синфий позиция, юксак сиёсий хушёрлик, ёт идеология ва ахлоқнинг кўринишларига нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Кенгашда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, тарбияга комплекс ёндашишни таъминламоқ учун даставвал, ғоявий-тарбиявий ишга партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш, идеология фронти кадрларини танлаш ва уларга таълим беришни яхшилаш, аҳоли турли табақаларини коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини перспектив ва жорий планлаштириш зарур.

Ғоявий-тарбиявий ишга комплекс ёндашишдаги ижобий тажрибани мунтазам суратда умумлаштириб, оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кенгашда айтиб ўтилди. Республиканинг баъзи партия ташкилотлари, жумладан, Андижон область партия комитети ва Қўқон шаҳар партия комитети ана шундай тажриба тўпланган.

Кенгаш қатнашчилари шуни таъкидлаб ўтишдики, бутун ғоявий-тарбиявий иш Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган планлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, бу йил давлатга 5360 минг тонна Ўзбекистон «оқ олтини» топширилишини таъминлашга меҳнаткашларни сафарбар этиш вазифаларига қаратилиши лозим.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг якунлари ҳамда КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия сафларини ўстириш ва ёш коммунистларни тарбиялаш сохасидаги ишларни янада такомиллаштириш борасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев шу тўғрида доклад қилди.

Пленум шаҳар партия комитетининг аъзолари — «Строймеханизация» тресті бульдозерчиси Т. Акрамовнинг ва 1-пойафзал фабрикаси мастери В. Д. Шепталининг ўзлари амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ахборотларини тингладi. Улар шаҳар партия комитетининг аъзолари сифатида бажараётган топшириқлари тўғрисида, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини бутун чоралар билан ошириш учун, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада иштирок этаётганликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Республикамиз областларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	8,3	142,8
СИРДАРЁ	12,3	130,5
ЖИЗЗАХ	10,1	121,0
Наманган	9,2	59,7
ҚҚАССР	12,7	59,2
Сурхондарё	8,4	54,6
Қашқадарё	7,0	51,1
Фарғона	8,7	50,0
Андижон	9,6	38,4
Бухоро	4,0	35,3
Самарқанд	10,3	34,0
Хоразм	7,6	31,9
Республика бўйича:	8,6	67,9

«КОСМОС-949» ПАРВОЗДА

1977 йил 6 сентябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-949» учирилди.

Йўлдош бортида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

СОВЕТ КИТОБЛАРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ

«Совет китоблари 60 йил мобайнида» номли виставка Советлар мамлакатининг газета коғозига босилган дастлабки рисолалардан бошлаб, замонавий полиграфия санъатининг олий ютуғи — ранг-баранг китоблар нашр этишгача босиб ўтган тарихий йўлини акс эттирмоқда. Виставка 7 сентябрда В. И. Ленин номли СССР давлат кутубхонасида очилди.

Қариб 500 нашрдан иборат экспозиция 1917 йил 25 октябрда эрталаб «Россия гражданларига» деган сарлавҳада чоп этилган Ленин варақаси билан бошланади. Совет китоби тарихи инсоният тарихида янги даврни очган мана шу сана билан бошланади.

Виставкада мамлакатимиз халқларининг ҳамма тилларида босилган Маркс, Энгельс, Ленин асарларига катта ўрин берилган. Замонамиз буюк хартияси — СССР Конституцияси лойиҳаси шу асарлар ёнига қўйилган. (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

БОЛГАРИЯДА СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАСИНИНГ 33 ЙИЛЛИГИГА

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бу 1944 йилнинг 9 сентябрида содир бўлган эди. Учинчи Украина фронти жангчилари Европа халқларини гитлерчи босқинчилар асоратидан қутқариш учун аёвсиз жанглар билан Болқон ярим оролига кириб борган бир пайтда Болгарияда социалистик революция амалга ошди. Бу болгар халқи ўз Ватани миллий ва социал озодлиги учун олиб борган қаҳрамонона курашнинг порлоқ хотимаси бўлди.

Ўтган 33 йил Болгариянинг бутун тарихидаги энг самарали йиллар бўлди. Болгария Коммунистик партия раҳбарлиги остида мамлакат экономикаси ва маданиятини юксалтириш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилди. Бугунги Болгария ривожланган индустриал-аграр мамлакат бўлиб, у иқтисодий тараққиёт суръатлари бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Ўтган беш йилликда мамлакатнинг миллий даромади 46 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 44 процент, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса қарийб 55 процент ошди. Еттинчи беш йилликнинг иккинчи йилида миллий даромад 1976 йилга нисбатан 8.2 процент ошади.

Болгария Халқ Республикасининг бундай муваффақиятларга эришувида социалистик мамлакатлар, аввало Совет Иттифоқи билан бўлган ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик катта роль ўйнамоқда. СССРнинг қардошларча ёрдами билан қурилган корхоналар мамлакатнинг индустриал қиёфасига чирой бахш этмоқда.

Сентябрь революциясидан сўнг Болгария ўз кучи билан халқ хўжалиги учун зарур бўлган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлай олмасди. Совет Иттифоқи болгар халқига бу соҳада ҳам ёрдамини аямади. СССРда таълим олган ўн минг юқори малакали мутахассис эндиликда БХР халқ хўжалигининг муҳим тармоқларида меҳнат қилмоқда.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик ҳам янада самарали ривожланмоқда, совет ва болгар олимлари юзлаб темадаги тадқиқотларни биргаликда олиб боришди. Уларнинг ярмидан кўпроғи СССР ва БХР халқ хўжалигига татбиқ этилди. Ҳозирги беш йиллиқдаги ўзаро ҳамкорлик ишлари рўйхати 350 га яқин темани ўз ичига олади.

Дунай соҳилида, Козлодуй яқинида қисқа вақт ичида Болгариянинг биринчи атом электростанцияси қурилди. Совет — болгар дўстлигининг тимсоли бўлган бу нодир иншоотнинг тўрт реактори шу беш йилликда ишга тушади. Болгарияда атом энергетикасининг ривожланиши социалистик иқтисодий интеграциянинг, ривожланиб бораётган совет—болгар дўстлигининг самарасидир.

Болгария билан Ўзбекистон, болгар округлари билан республикамиз областлари ўртасидаги дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. Хасково округи билан Тошкент области. Ямбол округи билан Андижон области меҳнаткашлари ўртасида кўп йиллардан буён ҳар тарафлама дўстлик алоқалари ўрнатилган. Булар чинакам дўстлик, қардошларча бирдамлик, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг энг ёрқин намунасидир.

Болгария Халқ Республикаси Озодлик байрамини янги зафарлар билан кутиб олмоқда. Самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлган еттинчи беш йилликда болгар меҳнаткашлари меҳнат ресурсларидан, машина ва асбоб-ускуналардан янада яхшироқ фойдаланишга аҳд қилишган. Ўз байрамини муносиб кутиб олаётган болгар халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига ҳам янги меҳнат совғалари ҳозирламоқда.

А. РЎЗИЕВ.

СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ВАШИНГТОН, 8 сентябрь. (ТАСС). СССР элчихонаси АҚШ давлат департаментига қуйидаги мактубни топширди:

«Денгиз кемачилиги атташеси эгаллаб турган элчихонанинг хизматхоналари жойлашган, шунингдек Аэрофлот ваколатхонаси жойлашган бино олдида 7 сентябрда катта куч билан портлаш содир бўлди. Натижада элчихона биносига жиддий шикаст етказилди. Яхшиямки, ҳеч ким ҳалок бўлмади.

Элчихона АҚШ территориясидаги совет расмий ваколатхоналари биноларига, жумладан, Аэрофлотнинг Вашингтон ҳамда Нью-Йоркдаги ваколатхоналарига қарши террорчилик ва бандитларча ҳужум давом этаётганлиги хусусида давлат департаментига бир неча марта норозилик билдирган эди. 7 сентябрда юз берган портлаш АҚШдаги совет расмий муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун давлат департаменти ва Американинг тегишли маъмурлари томонидан зарур чоралар кўрилмаганлигидан далолат беради. Ҳолбуки, бу иш Америка томонининг бевосита бурчи ҳисобланади.

Юқоридагиларга биноан Элчихона давлат департаментига қатъий норозилик билдиради ва АҚШдаги совет муассасаларига қарши террорчилик ҳаракатларининг тўхтатилиши ва уларнинг хавфсизлиги таъминланиши учун барча тегишли чоралар кўрилишини қатъий талаб қилади.

Элчихона шу жиноятларда айбдор шахслар аниқланади ва уларга намунавий жазо берилади, деб ишонади. Элчихона, шунингдек 7 сентябрдаги портлаш натижасида элчихонага етказилган моддий зарарнинг тўла равишда қопланишини давлат департаментидан талаб этиш ҳуқуқини ўзида қолдиради».

ВАШИНГТОНДА ПОРТЛАШЛАР

Вашингтон марказида 7 сентябрь куни эрталаб икки марта кучли портлаш содир бўлди. СССР Денгиз флоти министрлиги ва Аэрофлот ваколатхоналари жойлашган маъмурий бино шикастланди. Ваколатхоналарнинг биноларига катта зарар етказилди. Иккинчи портлаш бевосита Оқ уйга яқин жойда юз берди. Портлаш натижасида диаметри 10 метрга борадиган чуқурлик ҳосил бўлди. Яхшиямки, бирорта киши ҳалок бўлмади.

Информация агентликларининг хабарларига қараганда, портлатишларни террорчи ташкилотлар уюштирган. (ТАСС).

Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университети ташкил топганига 50 йил тўлди

МАЪРИФАТ САРЧАШМАСИ

Оталар одатин тутиб назарда,
Келтирдим дўстларга атаб гулдаста.
Чунки Самарқанд бу ЎзГУ демакдир,
Шонрнинг жони ҳам унга пайваста.

Ғафур ҒУЛОМ.

МАКСИМ ГОРЬКИЙ номли соя-салқин хиёбон бўйлаб илмга ташна навқирон йигит ва қизлар шаҳдам одим ташлаб боришяпти. Уларнинг сафида бир вақтлар Самарқанд дорилфунунида таҳсил кўрган кекса авлод вакиллари ҳам бор. Қувончимиз ва келажагимиз бўлмиш бир-биридан ширин, ёқимтой кичкинтойларнинг қўлларида муаттар гуллар! Ҳамма улкан илм-фан даргоҳининг қутлуғ эллик йиллигини муборакбод этиш учун ошиқмоқда.

БИЛИМЛАР ГУЛТОЖИ

1926 йилнинг сентябрь кунларидан бири. Самарқандининг ҳозирги Максим Горький номли хиёбонида тумонат одам йиғилган. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Йўлдош Охунбобоев минбарга кўтарилади. «Ўртоқлар! — дейди Йўлдош ота зўр ҳаяжон билан — **Улуғ Ленининг ёшларга «ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» ҳақидаги васиятини амалга ошира қорқб, биз мана бугун дарахтларнинг олтин ранг япроқлари шовулдаб турган шу гўзал хиёбон ёнида олий ўқув юртининг муаззам бинои пойдеворига ғишт қўйяпмиз. Бу билим даргоҳи келажакда билимлар гултожи, ленинизм руҳида тарбия топаётган кадрлар масканн булиб қолади. Агар илгари, эски вақтда ўзбек халқи ҳатто ўрта маълумот олишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса, эндиликда унга фан учун барча йўллар очиқ. Мазкур дорилфунун йил сайин кўплаб олий маълумотли мутахассислар етиштириб чиқаради. Улар диёримизнинг барча шаҳар-у қишлоқларига тарқалиб, аҳоли ўртасида илм-маърифат, зиё таратишади. Бу олий ўқув юртининг барпо этилиши социализмга томон қўйилган улкан қадамдир».**

Митинг тугагач, пойдевор қўйиш маросими бошланади. Биринчи ғиштни ўзбек оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоев қўяди. Ўша тарихий кундан буён орадан эллик йилдан ортиқ вақт ўтди. Ҳозир М. Горький номли хиёбонда Самарқанд Давлат университетининг ўқув корпуслари қад ростлаб турибди. Булар янги, социалистик Самарқандининг ҳуснжамолига кўрк қўшган.

Маълумки, 1925 ва 1927 йилларда Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси нинг II ва III съездлари қарорларида маданий қурилиш, шу жумладан, олий таълимни ривожлантириш масалалари ўзининг кенг ифодасини топган эди. Съездлар резолюцияларида доҳий В. И. Ленин курсатмаларининг аҳамияти алоҳида қайд этилиб, билимларсиз, техника, маданият, малакали мутахассислар сиз коммунизм қуриб бўлмаслиги уқтириб ўтилди.

Самарқанд Давлат университетининг ташкил топиш тарихи Коммунистик партиянинг таниқли арбоби, содиқ ленинчи Михаил Иванович Калинин номи билан боғлиқдир. Бутуниттифоқ оқсоқоли 1925 йилда бу кўҳна шаҳарда бўлган пайтида, коммунистларнинг йиғилишида сўзлаган нутқида ленинча маданий революция планини фаоллик билан амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга у халқ маорифини ривожлантириш учун курашни авж олдириш тўғрисида маслаҳатлар берди, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш учун Самарқандда олий ўқув юрти ташкил этишга киришиш лозимлигини айтди. Шундан кейин ўша йилнинг 13 февралида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республикада олий таълимни ривожлантириш ва Самарқандда биринчи олий педагогика институти очиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кейинчалик махсус тайёргарлик комиссияси тузилди.

Институтни очишга тайёргарлик кўришда, ўқув-илмий ва сиёсий-тарбиявий ишларни уюштиришда Акмал Икромов, В. И. Иванов, Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев каби республикамизнинг таниқли партия ва давлат арбоблари катта ёрдам кўрсатдилар. Ниҳоят, 1927 йилнинг 22 январида мамлакатимиз меҳнаткашлари доҳий В. И. Ленинни хотирлаётган бир кезда Самарқандда олий педагогика институти тантанали очилди. Олтмиш беш нафар студент ва ўн нафар ўқитувчи — биринчи қабул состави ана шундай эди!

Москва, Ленинград, Киев, Боку, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари Самарқанддаги олий мактаб коллективига қардошлик ёрдамини аямадилар.

1930 йилнинг 22 январида олий педагогика институти Ўзбекистон Давлат педагогика академиясига айлантирилди. Бу академия республикада олий таълим системасининг юксалишида муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1933 йил 20 январдаги қарори университет тарихида ёрқин саҳифа очди: **«СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1932 йил 19 сентябрдаги қарорига асосан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг олий мактаб ва техникумлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ Самарқанд шаҳрида А. Икромов номли Давлат педагогика академияси ва медицина институти базасида Ўзбекистон Давлат университети таъсис этилсин».**

Ўттизинчи йилларда университет олимлари муҳим мавзулар устида катта изланиш ишлари олиб бордилар. Натижада фаннинг у ёки бу соҳасида тадқиқотлар ўтказувчи илмий мактаблар пайдо бўлди.

Самарқанд университети базасида ўттизинчи йиллардаёқ янги-янги институтлар, илмий-тадқиқот муассасаларн ташкил этила бошланди. 1932—1935 йиллар мобайнида университет базасида СССР Фанлар академиясининг Гелиотехника институти ишлаб турди. Университетнинг айрим факультетлари заминида иккита мустақил институт — ҳозирги И. П. Павлов номли Самарқанд Давлат медицина ва В. В. Куйбишев номли қишлоқ хўжалик институтлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Давлат университетининг биринчи қалдирғочлари... Ўттиз бешинчи йилда 189 нафар йигит ва қиз ҳаётга йўлланма олди. Биринчи битирувчилар орасида ёш врач, ўзбек қизи Зибия Хожихонова ҳам бор эди. У Ўзбекистон ёш хотин-қизларининг биринчи съездида сўзлаган нутқида шундай деган эди: **«Биринчи йилда мен учун ўқиш анча қийин бўлди. Кириш лекцияларини қарийб тушунмасдим. Студент қиз Коновалова мени ўз оталигига олди. У лекцияларни менга таржима қилиб берди. Кеча-кундуз китоб мутолаа қилдим. Кўриниб турибдики, бугун съездда мен иккн тилда, чамамда, ёмон сўзламадим».**

Турли миллат ёшлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, қардошлик ўзининг ана шундай қувончли самараларини берди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Самарқанд фан ва маданиятнинг мамлакат ичкарисидаги йирик марказларидан бирига айланди. Бу ерга составида ўттиз нафар академик ва уч юздан ортиқ профессор ҳамда доценти бўлган Москва, Ленинград, Киев, Одесса ва бошқа шаҳарлардан 18 та олий ўқув юрти ва илмий муассаса кўчириб келтирилган эди. Уруш йилларида Самарқандда қирқ саккизта докторлик ва саксон еттита кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилинди. ЎзДУнинг илмий ходимлари ва студентлари кўп миллатли Ватанимиз мустақиллиги учун бўлган ҳаёт-мамот жангларида фидокорлик кўрсатдилар. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда университет ректори А. Валиев, доцент ва аспирантлардан К. Кулдашов, В. Қодиров, Х. Самибоев ва бошқалар қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Буюк Ғалабанинг 30 йиллигида университет территорияси да она-Ватан учун жангларда ҳалок бўлган ўқитувчилар ва студентлар хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатилди. Унинг пойдан гулчамбарлар сира аримайди.

1945 йилдан эътиборан ЎзДУ Самарқанд Давлат университети деб атала бошланган эди.

ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИ

ОЛИЙ таълимнинг катта суръатлар билан ривожланиши Ўзбекистонда партия ва она-Ватанга садоқатли, юқори малакали мутахассисларни — ҳақиқий халқ зиёлиларининг кўп сонли отрядини тайёрлаб етиштириш имконини берди.

«Университетимиз ташкил топганидан буён Ўттиз беш мингга яқин юқори малакали кадр тайёрлаб етиштирди, — дейди СамДУ ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Олий Советининг депутати Акбар Қосимович Отаҳўжаев. — **Ҳозир уларнинг аксарияти халқ хўжалигининг турли тармоқларида, жамоат ва давлатни бошқариш органларида самарали ишлаб, экономика, маданият ва фаннинг юксалишига салмоқли улуш қўшмоқдалар.**

Бугунги кунда биз университет тараққиёти йўлида жонбозлик кўрсатган А. М. Тўхтов, А. Н. Нефедьев, Н. А. Меркулович, А. Б. Селиханович, С. А. Лясковский, А. М. Завадский, М. П. Репников, В. П. Смирнов каби саховатли рус олимларининг номини катта ҳурмат билан тилга оламиз. Коллективимиз ўзининг собиқ талабалари билан, жумладан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Р. Рашидов, СамДУ аспирантурасида таҳсил кўрган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик О. Содиқов, узоқ йиллар дорилфунуи талабаларига сабоқ берган ва кейинчалик Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти бўлган атоқли олим, марҳум Иброҳим Мўминов, академиклардан У. Орифов, Я. Ғуломов, К. Зокиров, С. Умаров, Ж. Сандов, А. Адҳамов, А. Баҳовуддинов, В. Абдуллаев, шоир ва ёзувчилар Ҳ. Олимжон, Ойдин, Уйғун, Миртемир, А. Мухтор, А. Умарий ва бошқалар билан ҳақли равишда фахрланади».

Фақат тўққизинчи беш йилликнинг ўзида университет ўн мингга яқин мутахассис тайёрлади, ўн тўрт нафар илмий ходим фан доктори, профессор, 118 киши фан кандидати ва доценти деган унвонга сазовор бўлди, 120 дан ортиқ киши эса аспирантурани муваффақиятли тугатди.

Фан ва маданиятнинг бу серфайз даргоҳи ўзининг ажойиб алломалари билан шуҳрат қозониб келмоқда. Таниқли физик олим, профессор, марҳум Мусо Мўминовни ким танимасди, дейсиз. Ташкилотчи олимнинг ғайратшижоати билан физика факультети барпо этилганди. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ва уни кишиларнинг кундалик оддий ишига айлантириш учун ҳаракат қилганлардан бири Мусо Мўминовичдир.

Ўттиз йил бир даргоҳда самарали меҳнат қилиш... Ҳа, марҳум профессор Исаак Самойлович Куклес умрининг қайноқ дамларини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлади. У Фроммер усулини назарий жиҳатдан асослаб берди. Кейинчалик бу Фроммер-Куклес усули деб ном олганди.

«Умримизнинг баҳор фасли, ёшлигимизнинг энг қувноқ, тотли, мазмунли йиллари Совет Шарқининг илму фан машъали — Самарқанд дорилфунунида ўтганлиги билан чексиз бахтиёрмиз, — деб ёзган эди ўз хотирасида университетнинг собиқ талабаси С. Насриев. **— У бизни ўзининг нурафшон қучоғида она каби парваришлаб, ардоқлаб, маърифат ва маданият знёсига йўғириб ўстирди, қайноқ ҳаёт йўлига чиқариб, илк йўлланма берди».**

Бу қайноқ дил сатрлари ўзбек адабиёти тарихидан махсус курс ўқиган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Боҳид Абдуллаевга ҳам тааллуқлидир.

— Университет, — дейди Воҳид Абдуллаевич биз билан суҳбатда, — ўз сахий оғушида ақл-донши орттириб, таҳсил кўриб, камолот касб этган ва барча билим бойликларини заррача ҳам сақлаб қолмай, балки яна кўпайтириб, ривожлантириб, эл-юртга меҳрибонлик билан қайтариб бера оладиган халқ фарзандларинигина ардоқлайди.

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ

БАРКАМОЛЛИК поғонасига кўтарилган университет коллективи илм-фанни ривожлантириш, унинг коммунистик қурилиш амалиёти билан алоқасини мустаҳкамлаш учун кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб боряпти.

«Университетимиз дифференциал тенгламаларнинг сифат назариясини тадқиқ этиш, модданинг суюқлик ҳолати физикаси, Зарафшон воҳасининг табиий бойликларини ўрганиш, адсорбцион жараёнлар ва таблий адсорбентлар назариясини ҳал этиш бўйича танилган илмий марказ бўлиб қолди», — дейди СамДУ ректори А. Отаҳўжаев. Чиндан ҳам юбилар университет илмий-тадқиқотларнинг йирик марказига айланди.

Кейинги йилларнинг ўзидагина университет олимлари томонидан халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бир қанча муҳим муаммолар ҳал этилди. Кимёгарлар Навоий химия комбинатида нитрилларни газохроматографик ва химиявий анализ қилиш усулини ишлаб чиқдилар ва уни амалиётга жорий қилдилар. Хроматография ёрдамида атроф муҳитнинг (об-ҳаво, сув) ифлосланиши ўрганилди. Биологик объектларда органик моддаларнинг анализи ўтказилди. Айрим қотишмаларни ишлаб чиқариш жараёнида микроэлементлар қуюқланиши ўзгариши аниқланди.

Ноорганик химия кафедрасида ҳам муҳим ишлар бажарилмоқда. Бу ерда бетинним ишлайдиган автоматик кичик ҳажмли электрохимиявий датчик яратилди. Бу датчик атроф муҳитнинг, жумладан, ўттиз километргача баландликдаги атмосферанинг ифлосланишини доимий назорат қилиб туришда кенг қўлланиляпти. Металларни анализ қилиш методининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши яхши натижалар бераётир.

Ғўзани, ҳосил берадиган ўсимликларни, узумни суғориш режими ва усуллари ўрганилди, олинган қимматли натижалар амалиётга жорий этиш учун топширилди.

Профессор А. Отаҳўжаев раҳбарлигидаги оптика кафедраси ва проблема лабораторияси ходимлари модданинг суюқлик ҳолати физикаси масалалари, молекулаларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кучлари ва бошқа муаммолар устида қизиқарли тадқиқотлар ўтказмоқдалар. Оптика кафедраси қошидаги суюқлик ва эритмаларда молекуляр ҳаракатни ўрганиш лабораторияси Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади.

География факультети ходимлари эллигинчи йилларнинг охиридан бошлаб республикамиз, жумладан, Самарқанд области ғорларини мукаммал ўрганишга киришдилар. Карст ва спелеология (ғоршунослик) бўйича тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Олимларнинг эътибори, айниқса, Қирқтов булоқлари сувидан тежамкорлик билан фойдаланишга ва бу ерни чорва яйловига айлантиришга қаратилган.

Университетда 1962 йилда Юлия Ёльевна Авалиани бошчилигида чет эл шарқи тиллари ва адабиёти кафедраси ташкил топгач, эрон тилшунослиги бўйича тадқиқот ишлари кенг ривожлана бошлади.

Кейинги йилларда университетда СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиялари, корхоналар, қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда бажарилаётган илмий ишлар кўлами анча кенгайди. Шу йилнинг ўзида хўжалик шартномалари асосида ҳал этиладиган ишлар ҳажми етти юз минг сўмни ташкил этади. Ўмуман, СамДУнинг актуал мавзуларни ечишдаги мавқеи тобора ортяпти. Бу улкан илм-фан кошонаси Бутуниттифоқ ва халқаро форумлар ўтказиш жойига айланиб қолди.

ДИЛ САТРЛАРИ

ТАШРИФ буюрган ҳар бир кишини ўзининг ажойиб ютуқлари билан лол қолдираётган, йилдан-йилга довруғига-довруғ қўшаётган бу фан қасри ярим аср мобайнида катта юксалиш йўлини босиб ўтди. Унинг бағрида Самарқанд медицина ва педагогика институтлари ўсиб, ажралиб чиқди.

Шон-шуҳратга бурканган университетнинг таклиф ва мулоҳазалар альбомини кўздан кечирсангиз, ҳаяжонли ва мароқли дил сатрлари қалбингизда қувонч, ифтихор туйғуларини уйғотади. Нью-йорклик Франсис С. Хармон: **«Биз тинч шароитда яшамоқдамиз. Умуман, барча кишилар дўст бўлиб яшашлари керак. Бу буюк университет ўзининг ажойиб олимлари билан ўзаро бир-биримизни тушунишга ва билимларимизни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатяпти. Биларда Ўзбекистон республикаси тараққиёти чуқур таассурот қолдирди,** — деб ёзади.

Ҳиндистонлик Б. Кхер ёзиб қолдирган дастхат ҳам кишини ҳаяжонга солади: **«Мен А. Навоий номли университетда узоқ вақт бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ғоят қимматли ишлар билан таниш шарафига муяссар бўлдим, бажарилган ва бажарилаётган ишлардан ниҳоятда мамнунман. Бу чиндан ҳам фахрланса арзийдиган истиқболи порлоқ университетдир».**

СамДУнинг шонли эллиги йиллиги муносабати билан ташкил этилган кўргазмага ташриф буюрган ҳар бир киши, албатта, бир дастхат олдида тўхтаб ўтиши турган гап. Академик Алексей Павлович Окладниковнинг табрик хатидан олинган кўчирмада шундай ҳароратли жумлалар бор: **«Сизларга ўз номимдан ва сафдошларим номидан, Сибирнинг гуманитар олимлари номидан дўстона саломимизни йўллаймиз, фаннинг барча соҳаларидаги ижодий фаолиятда, ҳаммадан ҳам ёш авлодни тарбиялашда, маҳоратни оширишда янада юксак чўққиларга эришишни тилаймиз.**

Шарқ донолари меҳнат қилган жойда, Улуғбекнинг расадхонаси уларнинг илмий асарларига мангу ёдгорлик бўлиб турган жойда, Регистон ва Шоҳизинда қурувчилари мангу гўзаллик дурдоналарини вужудга келтирган жойда Сизлар ўзларингизнинг шонли ишларингизни ўзингиз ва келгуси авлодлар учун амалга оширмоқдасизлар.

Сизларни шонли юбилей билан муборакбод этаман. Сизларнинг А. Окладниковингиз».

Улуғ Октябрнинг қутлуғ 60 йиллиги арафасида университетнинг эллик йиллик юбилейи тантана қилинаётганлиги қувончли ҳолдир. Шу улуғ айём кунларида маърифатнинг бу сарчашмаси улкан эпёратқўҳи эслатади. Қадам ранжида қилганлар университет қучоғидан, унинг хазинаси ҳисобланмиш бир миллион етти юз минг китоб фондига эга бўлган илмий-фундаментал кутубхонасидан бой таассуротлар билан чиқмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат ва ижод қилаётган, СССР янги Конституцияси лойиҳасини зўр қувонч билан кутиб олиб, уни қизғин маъқуллаб, қимматли фикр-мулоҳазалар билдираётган университет коллективи бу муборак юбилейни таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш ҳамда савиясини ошириш борасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқда.

Латиф ЭРГАШЕВ,
Ўткир АБДУАЗИМОВ,
Миршароф МУҲСИМОВ.

Суратларда (юқорида): республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош ота Охунбобоев бўлажак дорилфунун биноси пойдеворига ғишт қўймоқда. Пастда: университет биология факультетининг профессор М. Икромов етакчилик қилаётган кафедраси муҳим мавзулар устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Профессор М. Икромов шогирдлари билан суҳбатлашяпти.

А. Харитонов фоторепродукцияси ва фотоси.

ТАШАККУР

УЙҒУН,
Ўзбекистон ССР халқ шоири

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети эллик ёшга тўлди. Шундай қисқа муддат ичида улкан маърифат ўчоғи, муаттар билим гулшани, ёруғ фан машъалига айланган университет улуғ партиямизнинг, буюк давлатимизнинг, доно халқимизнинг, социалистик тузумнинг чексиз ва улкан кудратидан, салоҳиятидан, тадбиркорлигидан, даҳосидан далолат беради.

Мана, ҳозир университет кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг қуснига-ҳусн қўшиб, сайқалига сайқал бериб турибди. Гўё унинг тепасида буюк бобомиз, фан йўлида фожиали ҳалок бўлган, улуғ олим, донишманд мунажжим, машҳур «Зижи Кўрагоний»ж жадвалининг муаллифи Мирзо Улуғбек ёққан фан машъали порлаб турғандек.

Бу олий билим ўчоғи мана 50 йилдирки, нур сочиб маърифат тарқатиб, инсонларнинг дилини мунаввар қилиб, онгини ёритиб келмоқда.

Эллик йилдирки, бу муборак дорилфунун — фанлар масканн, илму маърифатга чанкок ёшларни ўз қучоғига чорлаб, зиё тарқатиб, нур манбаи, ёруғлик чашмаси бўлиб порлаб турибди.

Республикамизнинг маданиятини юксалтиришда, илму фан, санъат ва адабиётини ривожлантиришда бошқа олий ўқув юртлари қатори Самарқанд Давлат университетининг ҳам қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта. У эллик йил ичида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, маърифат, адабиёт соҳалари учун минглаб баркамол кадрлар етиштириб берди.

Университетнинг муборак бағрида бир қанча машҳур адиблар — ёзувчи ва шоирлар тарбия олди, камол топди. Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Миртемир, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Асқад Мухтор, Нормурод Нарзуллаев, Душан Файзий, Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Раим Фарҳодий ва бошқалар шулар жумласидандирлар.

Мен ҳам бу муқаддас фан даргоҳига биринчи бўлиб кирганлар ва биринчи бўлиб уни тамомлаганлардан бириман.

Онгимизга сайқал берган, дилимизга ҳаёт, илму фан, шеърият, Ватан севгисини жо этган, ғоямизни тоблаган, эътиқодимизни мустаҳкамлаган, улуғ партияга, халққа, Ватанга, коммунизм идеясига садоқат, интернационализм, халқлар дўстлиги, меҳнатга, тинчликка меҳру муҳаббат руҳида тарбиялаган, ёшлигимизни безаган, мазмундор қилган ўша азиз ва жонажон СамДУ эди.

Биз, унинг шогирдлари, фарзандлари, ундан маърифат ва шеърият сирларини ўрганганлар, унинг бағрида ўз ҳаётий йўлини, ўз бахтини топганлар, азиз ва жонажон, севикли ва меҳрибон университетимиз билан фахрланамиз, 50 ёшга тўлган кунида унга яна бир карра ташаккур айтамиз, миннатдорчилик билдирамиз. Унинг зукко раҳбарларига, доно профессорларига, алломаларига, студентларига — устоз ва шогирдларига чин юракдан муборакбод изҳор киламиз, уларга битмас-туганмас бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, янгидан-янги ижодий ва илмий муваффақиятлар тилаймиз.

Жонажон университетимизнинг бундан кейин ҳам гуллаб-яшнаши, камол топиши, шуҳрат қозониши бизнинг эзгу муддаомиздир.

ДОРИЛФУНУН ҚАСИДАСИ

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Омон МАТЖОН.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари.

Дўстлар, СамДУ деган сўзнинг теран маъноси бор:
Чун Мароканд ҳақда ҳар гапнинг қадим дунёси бор.

Бул заминнинг кечмиши Афроснёб бирлан буюк,
Толеинда ҳам Турон, ҳам Суғдиён имлоси бор.

Чун бу мулкни пойндор этти Улуғбек шавкати,
То бугун эл ёдида юлдуз севар Мирзоси бор.

Чорлади устоз Абуллайс Мир Алишерни буён,
Бундаким назм аҳлининг Жомий каби пешвоси бор.

Тегди Бобир кўксина бунда Зарафшондин насим,
То бобо масканга мангу талпинур туғроси бор.

Ўтди шу тахлит бу ер тақдиридин йил-ойлар,
Бошн узра чархининг кўп гирдибод савдоси бор.

Оқибат кашф этди кўк инқилобий бир қуёш,
Энди ҳар қисматда тонг, ҳар қалбда нур ифшоси бор.

Кулди ерлар, кулди эллар, кулди тиллар, минг шукур,
Бул табассум рамзида Ленин падар даҳоси бор.

Сабза олди, олди шаҳд «сайқали рўйи замин»,
Навбаҳорнинг барқида дорилфунун пайдоси бор,

Кездилар бу боғ аро устоз Олимжон — нури пок,
Ёнида бузрук насаб Айний каби домлоси бор.

Шоир Уйғун, Миртемир, Асқад ал Мухтор, яна —
Назмгўй Файзий яна ширин забон Яҳёси бор!

Бунда Мўминзодалар номи хазон билмай яшар,
Ориф Икром ўғлининг мангу руҳ афзоси бор.

Бунда Ҳамдам Бердиёр, Жўра-ю, Ботир Вали,
Қосим ўғли Акбару, Маҳмуд Амин донаси бор!

Навқалам сардоридинг Нуриддину Сайдуллалар,
Барчасига раҳнамо Воҳид Абдуллоси бор!

Кўп замонлар ўтса ҳам аҳли зако қолгай буюк,
Бул салафлар бошида бир буюк зот сиймоси бор.

Дўстлар! Аёми тўй — устозлар айланди ёд,
Чун аларнинг беҳудуд оби ҳаёт дарёси бор!

Ёшлар, сиз, бул нақрдан айлангиз бахр ихтиёр,
Чун ҳаётнинг гоҳ чаман, гоҳида саҳроси бор!

Забт этинг қўл етмаган, онг етмаган афлоким,
Ернинг ҳам қат-қат ниҳон сахфайи тиллоси бор.

То бу кун фан машъали космосаро гоҳ сочса нур,
Гоҳ Кутбда — «Арктика» — музёрар гаввоси бор!

Токи инсон қалбининг кашфи ҳеч вақт битмагай,
Бир юрак ичра неча коинот иншоси бор.

Сизни илм шамси кутар, ишқ юлдузи интиқ эрур,
Бошингизда ҳам муҳаббат, ҳам илм Зуҳроси бор.

Олим бўлинг, ошиқ бўлинг: элсевар ўғлон бўлинг,
Ким ҳаёт Мажнунидир: албат унинг Лайлоси бор.

Дорилфунун комил бўкун — даврон билан илдам қадам,
Бу Ватаннинг ҳар ерида дўсти бор, ошноси бор!

Дорилфунун, қутлуғ падар, шогирдларинг минг-минг эрур,
Ушбу мадҳ узра Барот бирла Омон имзоси бор.

Соқиё, сун бир қадаҳ! Ток зангига шу ер Ватан!
Бунда илм бор! Бунда ишқ бор! Боданинг аълоси бор!

КЎРГАЗМАДА РЕСПУБЛИКА ТИМСОЛИ

«Китобдан ҳам бебаҳо хазина йўқ...». СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган биринчи Москва халқаро китоб виставка-ярмаркасида Ўзбекистон ССР экспозицияси билан таништар экансиз, Алишер Навоийнинг ана шу сўзлари эсга тушади. Бу ерда қардош ўзбек халқининг маданияти нақадар ривож топганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Республика виставканинг совет бўлимидаги ўз экспозициясида кўпдан-кўп китоблар, альбомлар, брошюралар, плакатлар, китоб графикаси намуналарини намойиш қилмоқда. Кўргазма марксча-ленинча таълимотнинг ғолибона юришини ифода этувчи нашрлар билан бошланади. Бу ерда В. И. Ленининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари, нутқлари ва мақолалари асосий ўринни эгаллаган.

Виставкага келган кишилар ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 та китоб нашриёти, 118 та замонавий полиграфия корхонаси, икки ярим мингдан зиёд китоб магазини, китоб фонди 90 миллион нусхадан ошадиган ўн уч минг кутубхона борлигини билиб хурсанд бўлмоқдалар.

Стендларга «Шоир, олимлар Ленин тўғрисида» номли митти китоб қўйилган. Бу китобга Ғафур Ғулом, Ойбек, Комил Яшин, Ҳамид Олимжон ва Уйғуннинг бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси, КПСС билан Совет давлатининг асосчисига бағишланган асарлари киритилган.

Совет Ўзбекистонида китоб нашр этиш йилдан-йилга, ҳар бир беш йиллик сайин кучга тўлиб, такомиллашиб бормоқда, миқдор ва сифат жиҳатидан ўсмоқда. Томошабинларнинг фикр-мулоҳазалар дафтарида қолдирган кўпдан-кўп ёзувларида ўзларининг завқланганликларини изҳор этиб билдирган ҳис-туйғуларини англаш қийин эмас. Бу дафтарда ўзбек ноширларига мамлакатимиз иттифоқдош республикаларидаги, Ҳиндистон, Чехословакия, Польша, Финляндия, Испания, ГДРдан келган ҳамкасбларининг миннатдорчилик сўзларини ўқиш мумкин.

БХР авторлик ҳуқуқи агентлигининг бош директори Т. Иванов қуйидагиларни таъкидлайди: «Ўзбекистон ССР бўлимига қойил қолдим. Экспозиция ажойиб тарзда безатилган. Унинг бўёқлари миллий нақшнинг ранго-ранглигини, китобларнинг ўзи эса республика кишилари, унинг табиати тўғрисидаги ғаройиб эртакни эслатади». Вьетнамдан келган инженер Данг Чионг: «Ажойиб экспозиция! Бу экспозиция Совет ҳокимиятининг 60 йили мобайнида Ўзбекистоннинг ривож топганлигини жуда соз ифодалаб беради», дейди.

Японiядан келган меҳмон Тадаши Опубо эса мулоҳазалар дафтарига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Экспозиция жуда мароқли. Афсуски, мен ўзбек ва рус тилларини билмайман».

Биз Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти Ромеш Чандра билан суҳбатда бўлдик. У Ўзбекистон ССР павильонини бориб кўргач, бундай деди:

— Бу экспозиция Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қиёфасини яққол кўрсатиб турибди.

И. ВЕКСЛЕР,
В. ПЕТРУНЯ,
М. РОЖДЕСТВЕНСКАЯ,
ТАСС махсус мухбирлари.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ИШЧИЗОДАЛАР

Эгамберди бува деҳқон ўтган эди. Унинг ўғиллари Холиқжон билан Розиқжон ҳам умр бўйи ота касбини қилишди. Бири фронтдан оғир бетоб бўлиб келиб, 1944 йилда, иккинчиси урушдан кейин ҳаётдан кўз юмди. Лекин бу кишиларнинг фарзандлари тақдири бошқача бўлди. Келинг, бу ҳақда батафсил ҳикоя қилиб бера қолайлик.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ мудофаа учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтган Кольчугин шаҳридаги кабель заводи 1941 йилнинг октябрь ойида Тошкентга эвакуация қилинди. Завод билан бирга 240 нафар ишчи ҳам кўчиб келди. Корхонани етарли миқдорда ишчи кучи билан таъминлаш ва завод ишга тушиши билан аввалги даражада маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш ўша даврда шаҳар партия ва совет ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эди. Урушнинг энг қизғин даври, шаҳарда эркаклар кам, ҳамма жойда аёллар ва ўсмирлар меҳнат қилаётганди. Партия даъвати билан шаҳарга яқин қишлоқларда яшаётган ўсмирлар, аёллар, каттадан-кичик заводга ишга келишди. Тез кун ичида корхона ишчиларининг сони мингдан ошиб кетди. Улар орасида Эгамберди буванинг ҳам набиралари бор эди.

1942 йилда Ҳусанбой Ҳолиқов, кейинроқ унинг амакиваччаси Жалил Розиқов «Ташкенткабель» заводига ишчи бўлиб киришди. Ўшанда улар 13-14 ёшли ўсмир эдилар. Станокка бўйлари етмай, оёқлари остига яшик қўйиб ишлаётган бу ёшларга Кольчугиндан келган тажрибали рус ишчилари дастлаб симларга қўрғошин қоплашни, пресловчилик касбини ўргатишди.

Заводда асосан ҳарбий — дала кабеллари тайёрланарди. Ҳарбий қисмлар орасида телефон алоқасини таъминловчи бу кабелларга эҳтиёж катта эди. Телефон симларига эҳтиёж зўрлигидан уни худди қурол-аслаҳа, нон сингари фронтга самолётда ташишарди. Заводда эса иш кеча-ю кундуз давом этар, ишчилар зарур бўлганида бир ярим, икки смена-лаб ишлашарди. Аммо, одамлар ҳамма қийинчиликларга чидашар, кунлик нормасини 150 процентдан оширмаган ишчи кам бўларди. Ҳамма зўр бериб меҳнат қилингандагина ғалабага эришиш мумкинлигини яхши биларди.

Уруш тугагач, Ҳусанбой билан Жалил аввал мастер, кейин катта мастер лавозимига кўтарилишди. 1948 йилда Ҳусанбой, кейинроқ Жалил уйланди. Бири шу заводнинг хизматчиси Сабиҳа исмли қизни, иккинчиси цехда ўровчи бўлиб ишлайдиган Муҳаббат деган қизни ўзларига умр йўлдоши қилиб танлашди.

Урушдан кейин Жалилнинг фронтдан қайтган акаси Жамол, Ҳусанбойнинг акаси Мирвали, укаси Тоир, уларнинг хотинлари ҳам заводга кириб ишлай бошлашди. Уларнинг ўғил-қизлари ҳам вояга етиб, ота-оналар касбини танлашди. Шундай қилиб Эгамберди бувانинг «Ташкенткабель» заводида меҳнат қилаётган невара-чеваралари ўн етти нафарга етди. Агар ҳисоб-китоб қилиб чиқилса, уларнинг шу корхонадаги умумий меҳнат стажи 250 йилдан ошиб кетади. Улар техникани пухта эгаллаган, мураккаб агрегатларни маҳорат билан бошқараётган, ўз вазифасига масъулият билан ёндашадиган илғор ишчилардир. Жамиятимизнинг қонунларига ҳурмат, кўп миллатли, қудратли социалистик Ватанимиз билан чексиз фахрланиш туйғулари уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Жалил Розиқов оиласидан тўрт киши — ўзи, хотини, икки ўғли тақдирларини завод билан мустаҳкам боғлаган. Бу оила аъзоларининг меҳнатидан бутун коллектив миннатдор. Жалил ака мана ўн етти йилдирки, шу ерда катта мастер бўлиб ишлаяпти. Айни вақтда у цех партия ташкилотининг секретари ҳамдир. У меҳнат қилаётган цех корхона ишлаб чиқаришнинг энг масъулиятли участкаларидан бири саналади. Цехда тайёрланаётган кабелларга нисбатан халқ хўжалигида талаб катта. Шу сабабли коллектив юксак суръатлар билан ишлаб, ойлик ва йиллик топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажармоқда. Жалил аканинг кўп йиллик самарали меҳнатини партия ва ҳукуматимиз юқори баҳолади. 1960 йилда унга «Ташкенткабель» заводи ишчилари орасида биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилди.

Йиллар ўтиши билан одамлар сингари завод ҳам ўсиб, камол топиб, республикамиз индустрияси довруғини оламга ёйган азамат корхонага айланди. Унда янги-янги цехлар қурилди, замонавий қудратли техника билан қуролланди. Ҳозир 40 проценти давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган завод маҳсулотлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан ташқари АҚШ, ГФР, Италия, Франция каби чет мамлакатларга ҳам юбориляпти.

Эллигинчи йилларда корхона яқинида муҳташам маданият саройи, ёзги ва қишки кинотеатр, поликлиника, ўрта мактаб, бошқа турли маданий-маиший объектлари бўлган серфайз, сердарахт ишчилар посёлкаси қад кўтарди. Юздан кўпроқ уй завод маблағи билан, қолганини ишчи оилаларнинг ўзлари қуришган. Ўз кучи билан уй қурган ишчиларга корхона узоқ муддатли қарз берди, қурилиш материаллари билан таъминлади. Шундай қилиб, ишчилар ортиқча уринмай уй-жойли бўлиб олишди.

Шу посёлкадаги марказий кўчанинг сўл томонидаги деярли ҳамма уйларни Эгамберди бувانинг невара-чеваралари эгаллашган. Уларнинг ҳаммаси фаровон турмуш кечиришяпти. Уйларига водопровод, газ, электр нури билан таъминланган. Ҳар бир оила холодильник, телевизор, радиоприёмник, кир ювиш машиналарига эга. Ҳовлиларнинг серфайзлиги, салқинлиги ва саранжом-саришталиги эътиборингизни тортади.

Янги экилган, мўрт ва ғўзик ниҳол йиллар ўтиши билан ўсиб-улғайиб азамат чинорга айланган сингари Эгамберди бувانинг авлодлари ҳам шу заводнинг меҳнатсевар, кўп миллатли аҳил коллективи орасида ўсиб-ўниб камол топди. Уларга ҳамма ҳавас билан қарайди, ишчизодалар деб эъзозлайди.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ХОРАЗМ. Туямўйин гидроузелида қурилиш ишлари кўлами кун сайин кенгайиб бораётир. Бош иншоот комплекси, котлованнинг иккинчи навбати, тўғон қанотлари, ГЭС ва бошқа объектларда монтаж ишлари ҳажми тобора ошиб боряпти. Янги-янги механизмлар ишга туширилмоқда. Қурилиш бошлангандан буён улкан иншоот асосига 390 минг, бир-гина юбилей йилининг ўзида эса 87 минг куб метр бетон ётқизилди. Суратларда: юқорида — илғор монтажчилар (чапдан) А. Манидон, М. Шишкин, А. Черних ўртоқлар. Пастда — қурилиш участкаларидан бир кўриниш.

Қ. ОТАЕВ фотолари (ЎзТАГ.)

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ

НОВГОРОДНИ ЯШАРТИРАЁТГАНЛАР

Турсунпўлат Расулов бошлиқ мелиораторлар бригадаси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, меҳнатда ғалабага эришди: коллектив Шимск районидаги «Волна революции» совхози ерларини янгилаб, мавсум бошидан бери 75 километр узунликда ёпиқ дренаж ётқизди. Бу — бир ярим йиллик планга тенг. Шу пайтгача ҳали биронта бригада «Узновгородводстрой» трестига шунчалик кўп дренаж ётқизмаган эди.

22 ёшлик Расулов комсомол йўлланмаси билан Шимскка келганига бир йилдан сал ошди. Ҳар бир кашшоф учун бўлганидек, унинг учун ҳам Новгороднинг қўриқ ерлари кўчма вагончадан бошланди. Дастлаб дренаж бригадасининг ишчиси бўлиб ишлай бошлаган Расулов тез орада шу бригаданинг бошлиғи бўлиб кўтарилди. Шу ерда оила қурди. Коммунистлар уни КПСС аъзолигига кандидат этиб қабул қилдилар. Новгород диёри унинг учун қадрдон бўлиб қолди. Чунки у, ўзининг қалб ҳароратини шу диёрга сарфлаган. Ўзини умумхалқ қурилишининг иштирокчиси деб ҳис эта бошлаган Расулов қисқа муддат ичида шундай коллективни вужудга келтира олдики, бу коллектив ҳар қандай вазифани ҳал эта оларди. Руслардан Николай Лебедев ва Сергей Афонин, ўзбек йигити Усмон Мардонов, немис Виктор Реслер — булар ёши ва характерига кўра, турли кишилар бўлиб, лекин уларни бир нарса, кўпроқ ва яхшироқ ишлаш, ўз ўртоғига ёрдам беришга доимо шай бўлиб туриш муддаоси бирлаштириб туради. Бригаданинг ҳар бир аъзоси невелер билан ишлашни, зах қочириш системасининг бўлғуси трассасини чиқаришни билади. Юксак профессионал маҳорат ва ўзаро мадад яхши натижалар бермоқда. Бригада айрим кунлари минг метр ва ундан ҳам кўпроқ ёпиқ дренаж ётқизмоқда. Бу эса нормадагидан икки баравардан зиёд кўндир. Расулов ва унинг ўртоқлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига қадар икки йиллик планни бажарамиз, деб пешқадамлар сифатида ваъда бердилар.

«Узновгород водстрой» трестининг бошқарувчиси Ю. Муҳаммадиев ТАСС мухбирига айтдики, Расулов ва у бошлиқ бригада аъзоларининг номлари қаторида ўнлаб ва юзлаб кишиларнинг номларини тилга олиш мумкин. Қадимий Новгород диёри ана шу кишиларнинг фидокорона меҳнати билан ўз қиёфасини ўзгартириб бормоқда. Ана шу кишилар туфайли трестга биринчи ярим йиллик якунларига кўра, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан тармоқ касаба союз марказий комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Ҳозир кўпгина бўлинмалар графикдан ўзиб ишламоқда. Ҳозиргача 2600 гектардан кўпроқ захи қочирилган ер колхоз ва совхозлар ихтиёрига топширилди. Саноат базасини, маданий-маиший объектларни барпо этаётган кишилар ҳам фахрланса арзийди. Мелиораторларнинг асосий проблемаси — уй-жой муаммоси муваффақиятли ҳал этилмоқда. Ўтган йили тўрт минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, эндиликда ярим йил ичидагина қарийб шунча иш бажарилди, янги уйга кўчиб кирувчиларга эса жами 16 минг квадрат метр квартира топшириш мўлжалланмоқда.

В. ЧЕРНЯЕВ.
Шимск, Новгород области.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МУЗЛИК САФАРИДА СИНАБ КЎРИЛДИ

Рига граждан авиацияси инженерлари институтида ишлаб чиқилган прибор Арктика музликларида нема курсини очиб боришга ҳамда музлаган дарё юзида самолёт қўнса бўладиган жойни танлашда ёрдам беради. Муз қопламини ўлчаш учун пармадан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолларда у айниқса қўл келади. Эндиликда неча ўнлаб сантиметрдан бир неча метргача қалинликдаги музлик тўғрисидаги маълумотларни ҳаводан туриб олиш мумкин. Бу прибор ғоят қисқа импульслар билан радиотўлқин тарқатувчи локатор принципига асосланган. Музнинг юқори ва қуйи қирраларидан акс этган сигналлар зарур маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Сигналлар тасвири осциллограф экранида пайдо бўлади ва ўзи ёзадиган асбоб ёрдами билан автомат тарзида қайд этилади.

«Муз» деган шартли ном олган бу аппарат «Арктика» атомоходининг Шимолий Қутбга яқинда қилган экспедицияси чоғида синаб кўрилди. Ўшанда ўлчаш ишлари вертолётдан туриб бажарилди ва олинган маълумотлар радио орқали кемага юбориб турилди.

ШИРИН-ШАКАР МЕВАЛАР

Боку карамель фабрикасининг кўпгина маҳсулотлари ранг-баранг, жозибадор бўлиб қолди. Бунга Озарбайжон ботаникларининг ҳиссаси бердилар. Улар конфетларни бўяш учун ўсимлиндан фойдаланишни таклиф қилдилар. Фабрика маҳсулотларини татиб кўрган мутахассислар янги хил табиий бўёққа юксак баҳо бердилар.

Озарбайжонда бўяш ҳоссасига эга бўлган 1500 хил ўсимлик аниқланган. Шулардан олинувчи табиий бўёқлар арзон ва самарали. Олимлар яратган технология бўйича бир турдаги ўсимликдан неча ўнлаб хил товланадиган бўёқлар олинади. Улар ҳозир гилам тўқувчиларнинг буюртмаларини бажараётиб, илгари ишлатилмаган хина поясининг бўяш хоссасини тадқиқ этмоқдалар. Шундан ўнгни юз хил тусда товлантира оладиган моддалар олиш мумкин бўлиб чиқди. Шу таҳлитда бўлган ипга на офтоб нури ва на совун таъсир этади.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1977—1978 ўқув йили учун
ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига колхоз ва совхозларнинг ёши 34 дан катта бўлмаган, умумий таълим мактабини тугатгандан сўнг қишлоқ хўжалигида камида бир йил ишлаган илғор меҳнаткашлари ва Совет Армияси сафидан демобилизация қилинган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига юбориш учун мўлжалланган номзодлар ишчи ва колхозчилар йиғилишларида кенг муҳокама қилингач, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари тавсияси билан, колхоз, совхоз раҳбарлари ва ҳарбий қисм командирлари томонидан танлаб юборилади.

Тайёрлов бўлимига юборилаётган кишилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак: ректор номига ёзилган ариза, колхоз ёки совхоз йўлланмаси (3 ёки 2 форма), етуклик аттестати (асли), иш жойидан берилган характеристика, медицина справкаси (286-форма), 3x4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, меҳнат (колхоз) дафтарчаси, Қуролли Кучлар сафидан демобилизация қилинган ёшлар хизмат қилганлиги ҳақидаги характеристика ва ҳарбий билетни тақдим қиладилар. Паспорт ёки унинг ўрнини боса оладиган справка, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматни ўтамаганлар учун), партия, комсомол ва касаба союз ҳужжатлари.

Тайёрлов бўлимида ўқиш муддати — 8 ой.

Ўқишни тамомлагач, барча тингловчилар имтиҳон топширадилар. Имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институтнинг 1 курсига қабул қилинади.

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 20 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тингловчиларни тайёрлов бўлимига қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳри, К. Маркс кўчаси, 77-уй, Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти, тайёрлов бўлими, 18-хона. Телефон — 4-31-34.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/IX да Аида, 10/IX да Севги тумори.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IX да Кўрмайин босдим тиконни, 10/IX да Оқшомдан тушгача.

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Хавфли қувиш (кундуз ва кечқурун).

Уз билганича яшамоқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Байрамда содир бўлган ҳодиса — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Номус масаласи — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

●

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИНИНГ УНИНЧИ МАВСУМИ ТЕЗ КУНДА ОЧИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ЎЛКА МЕДИЦИНАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ клиник ординатурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Эндокринология (2 ўрин), биохимия бўйича стажёр-тадқиқотчи.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари 23-қурилиш трести бошқарувчисининг ўринбосари Ш. М. Асомовга онаси

Инобат БОЛТАБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳри, Чилонзор район ошхоналар трести коллективи трест директорининг ўринбосари Ю. Мусажоновга синглиси

Мухтабар МУСАЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ЮЗ КАТАКЛИ ШАШКАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўтган куни Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг маданият саройида юз катакли шашка бўйича мамлакат чемпионати бошланди. Унда кўпгина мусобақаларнинг пешқадамлари бўлган хотин-қиз шашкачилар иштирок этишмоқда. Улар орасида спорт мастери киевлик спартакчи А. Наумова, литвалик шашкачи С. Ингауните ва унинг командадоши мамлакат вице-чемпиони Я. Аугустинайте-Сипенслар биринчи турда ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

Е. ЧЕРКАССКИЙ.

НИШОН АНИҚ ОЛИНДИ

Руминия пойтахти Бухарестда якунланган «Югурувчи тўғриз» нишонига отиш бўйича Европа чемпионатида СССР терма командаси биринчи ўринни эгаллади.

Шахсий мусобақаларда Т. Пфефер (ГДР) 574 очко тўплаб биринчиликни, терма командамиз аъзоси А. Кедаров иккинчи ўринни қўлга киритди.

СУВ ЧАНҒИСИ ЧЕМПИОНЛАРИ

Минск. Бу ердаги «Олимпия» спорт клуби базасида сув чанғиси бўйича ўтказилган мусобақаларда яхши натижаларга эришган киевлик И. Потэс билан С. Низовкинлар мамлакатнинг мутлақ чемпионлари бўлишди.

Янги шеърлар

БИРИНЧИ КАРВОН

Куёв-навҳар каби тузилди карвон,
«Оқ олтин» даладан бугун йўл олди.
Қизини узатган отадай деҳқон,
Хаяжон ичида термулиб қолди.
Деҳқон ҳолатини кузатарканман,
Дейман: Карвонингга барака!
Туғилган даласин тарк этди пахта,
Яъни пахтакорнинг пок манглай тери,
Чигит ниш уришини кутишдан маҳтал
Ҳар ниҳолга тўккан меҳри, дил қўри,
Ҳар чаноқда деҳқон умри бор экан,
Дейман: Хирмонингга барака!
Ҳа, умрин зарралаб ғўзага сочмиш,
Бугунги илк карвон зўр армон бўлиб.
Заҳматли толеин пахтадай очмиш,
Илк карвон йўл олур тўнгич шон бўлиб,
Бошланди шарафли, қутлуғ маърака,
Халқим, шаън-шонингга барака!
Умрин фарзандига бахш этар одам,
Пахтаси зурёддай танти деҳқон бу.
Пахтасига муштоқ курраи олам,
Пири бадавлат бу — Ўзбекистон бу.
Ҳар нуз тўй бергувчи бахтиёр экан,
Тўю хуш ониннга барака!
Олтин қўллар юрти, жумҳуриятим,
Умринг китобига қўшдинг янги боб,
Баҳри оқ, кўкси тоғ фарзанд улғайтиб,
Узатиб турибсан чехранг офтоб.
Узатган бу қизинг бир гавҳар экан,
Умр достонингга барака,
Халқим, хирмонингга барака!

Ҳабиб САЪДУЛЛА.

ИККИ СОТУВЧИ

Бозорда ўтирар икки сотувчи,
Бирининг ёнида говжум олувчи...
Иккинчиси бўлса «қуварди» пашша,
Йўламас харидор — қиларди нашъа:
— Мен каби қўшним ҳам помидор сотар,
Дам сайин харидчи сансги ортар.
Қўли-қўлга тегмай пул санар жароқ,
[Бир лофни эслади кўзи тушибоқ]:
Ҳар бир помидор денг келар чойнакдай!...
Кимдир тинмай жаврар: — Мазаси нокдай,
Қани, тортинг менга ўн кило шу он,
Молингиз сарайкан, кўп яшанг, деҳқон!
Харидор тополмай гаранг Ҳамсоя,
Қўшнисига дерди: — Бир сўз кифоя —
Айтинг-чи, бу молнинг нимада сири!
Зўр ҳосил олмоқнинг эканми пири!...
Йиғит жилмайди-да, тўхтаб бир нафас,
Деди: — Ҳосилимга қиляпсиз ҳавас.
Агроном дипломи чўнтакда, ошнам,
Бекорга ўзизга беряпсиз дашном!...

ИШОНЧЛИ МАНБА...

Кутмаганда дўстлар учрашиб қолди.
Бири қучоқ очса, бири қўл олди.
Ҳол-аҳвол сўрашиб туришди бир оз.
Қўл берган хавфсираб сўз ташлади боз:
— Не бўлди, эшитдим, ишдан бўшабсан,
Бекорчи хўжага энди ўхшабсан!!
— Қаёқдан эшитдинг, гапир аниқроқ!
— Бозорда эшитдим Айтди бир ўртоқ.
— Ундай бўлса кайга ўтибман ишга!
— Билмадим. Бўлмади фурсат сўрашга.
— Илтимос, бозорга бориб ҳозироқ
Қайга ишга ўтдим — билиб кел тезроқ!...

Сами АБДУҚАҲҲОР

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ОРБИТА-3» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.10 — Эрталабки гимнастика. 9.30 — Концерт. 10.15 — Бадиий фильм. 11.45 — Концерт. 11.35 — Илмий-оммабоп фильм. 16.00 — Поэзия музикада. 17.00 — Кашф этилмаган оролар (бадиий фильм). 18.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 18.45 — Янгиликлар. 18.55 — Бизнинг биография. 1969 йил. 19.55 — Ф. Дзержинский туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган йиғилиш. Танаффусда — «Вақт». 23.00 — Ҳужжатли фильм. 24.00 — Акробатика бўйича жаҳон кубоги учун.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Дўстим Тиманчи (бадиий фильм). 12.40 —. Кўгирчоқ театр. 13.10 — Ҳужжатли фильм. 13.30 — Сандон ва босқон (бадиий фильм, 2-серия). 17.50 — Физкультура ва спорт. 18.15 — Болғар халқининг миллий байрами. 18.30 — Ахборот. 18.45 — Тошкент кабель заводида автоматлаштирилган бошқариш системаси (репортаж). 19.05 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Москва. Ф. Дзержинский туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган йиғилиш. Танаффусда — «Вақт». 23.00 — Рустам ҳақида достон (спектакль).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.45 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.25 — Янгиликлар. 20.45 — Концерт. 21.15 — Меҳнат ва спорт. 21.45 — Ҳужжатли фильмлар.

Радио

8.30 — «Қушиқларда меҳнатни шарафлаймиз». Концерт. 9.30 — «Гая» ва «Орэра» вокал-чолғу ансамбллари ижро этади. 9.50 — «Болғар халқининг миллий байрами». 10.15 — «Индустриямиз — юксалиш йўлида». 10.30 — Концерт. 10.50 — «Ишчи синфи ҳақида сўз» 11.15 — «Энергетика байроқдори». 11.25 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. 12.10 — «Товарлар халқ учун». 12.20 — Концерт. 12.50 — «Ўзбекистон» маркали машиналар. 13.00 — «Чорва қишловини намунали ўтказайлик». 13.30 — Концерт. 14.00 — «Таҳаббускор Оқолтин районидаги пахтакорлари ҳузурида». 15.45 — «Ишчи сўзига садоқат». 16.10 — «Ишчи фахри». Концерт. 17.00 — Сўнгги ахборот. 18.00 — Москва. Сўнгги ахборот. 18.15 — Москва. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. Болгария радиосининг программаси. 19.55 — Москва. Ф. Э. Дзержинский туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган йиғилиш. 22.00 — Енгил куйлар. 22.30 — «Ўзбекистон — мамлакатга, мамлакат — Ўзбекистонга». 22.40 — Г. Жагаров. «Прокурор». Пьеса асосида радиоспектакль.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.
Р. 09200. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 211.